

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ MO5-42

2013 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг

20 13 йил "20" сентябрь даги

484- сонли буйруғи билан тасдиқланган

КИНОТЕЛЕОПЕРАТОРЛИК ВА ОВОЗ РЕЖИССЁРЛИГИ

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумқасбий
ва махсус фанлари педагоглари учун малака ошириш йўналишининг
ўқув дастури

Тошкент – 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари
бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2013 йил 20 декабрдаги 5-сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов- ТДПУ ҳузуридаги тармоқ
маркази директори
п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев- ЎзМУ ҳузуридаги минакавий
марказ директори
сан.ф.н. Файзиёва Ф.-“Кино, телевидение ва радио ре-
жиссёрлиги” кафедраси мудири
И.Мелиқўзиев- “Овоз режиссёрлиги ва операторлик
махорати” кафедраси мудири

Такризчилар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, давлат
мукофоти совриндори, профессор - А.Исмоилов
Ўзбекфильм киностудияси олий тоифали кинооператори-
А.Арзиқулов

Ўқув дастурлари Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Илмий кенгашида тавсия қилинган (20__ йил _____даги ____ - сонли
баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари;
- ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;

- Амалий хорижий тил;
- Тестология асослари;
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;
- Ахборот хавфсизлиги.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Кинотелеоператорликда замонавий услубиёт;
- Овоз режиссёрлиги фанидаги инновациялар;
- Монтаж услубиётини модернизациялаш.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Жаҳон кинотелеоператорлик мактаби фанини ўқитишда инновациялар;
- Овоз режиссёрлиги операторлик маҳорати фанларини ўқитишда илғор тажрибалардан фойдаланиш.

Танлов фанлари модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;

- мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- замонавий кино ва телевидения операторлик услуб ва услубиётларини;
- бадий тасвирнинг техника ёрдамида узатилишидаги янгиликларни;
- уч ўлчамли кино ва телекамералар, уларнинг имкониятларини;
- операторлик маҳоратида ракурс ва планларнинг модернизацияси ва бу борадаги тажрибалар натижаларини;
- аудио ва визуал қаторнинг уйғунлиги ва замонавий таъсирчан воситалар классификациясини;
- тасвир воситалари ва уларнинг амалиётда қўлланилишини;
- кинотелеоператорлик фани замонавий услубиётини;
- овоз режиссёрлиги фани ривожланиш босқичлари ва бугунги кундаги инновацияларни;
- таълим жараёнидаги инновациялардан кенг фойдаланиш ва унинг ижобий натижаларини;
- замонавий овоз ёзиш ва узатиш мосламаларини;
- овоз ва шовқин билан ишлашнинг замонавий технологияларини;
- аудиотека ва уни шакллантириш услубиётини;
- мусикий фонограмма ва таъсирчан воситаларни яратишнинг уйғунлига эришишни;
- фонограмма таҳлили ва партитура ўқишдаги янги ютуқларни;
- овоз режиссёрлигида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- электрон педагогика асосларини;
- педагогик маҳорат асосларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик ҳужжатларни ярата олиш;

- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шакллари;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишни;
- виртуал лаборатория ишларини яратиш ва қўллаш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- замонавий монтаж услубларидан фойдаланиш;
- монтаж услубиёти фанини ўқитишда кўргазмали қуроллар яратиш технологиясидан фойдаланиш;
- замонавий монтаж услубиётида олиб борилаётган синов ва тажрибалар натижаларининг маҳаллий шароитларга мослаштириш;
- кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги фанларида рўй бераётган инновациялардан амалиётда фойдаланиш;
- фанлар ўқитилишининг такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларидаги ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижаларидан фойдаланиш;
- янги усул ва услубларнинг кашф этиш;
- анъанавий таълим тизимини бойитиш ва модернизациялаш;
- таълим сифатининг ижобий ўзгаришларидан фойдаланиш;
- олиб борилаётган илмий изланишлар ва тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ эта билиш;
- фандаги модернизация ва ўзгаришларни эгаллаб олиш ва мазмун-моҳиятини етказа билиш
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- психологик-педагогик диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги фанларида рўй бераётган инновацияларни амалиётда қўллаш;
- фанлар ўқитилишини такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларидаги ўзгаришларнинг ижобий натижаларидан фойдаланиш;
- янги усул ва услубларни кашф этиш;

- анъанавий таълим тизимининг бойитиш ва модернизациялаш;
- таълим сифатини ижобий ўзгартириш;
- кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги фанлари замонавий ускуналар ривожидан фойдаланиш;
- замонавий педагогика усуллари фанни ўқитишда ишлатиш;
- кўргазма куролларининг яратилиш меъзонлари ва улардан фойдаланиш;
- ўқитувчининг шахсий ахборот-маълумот базасини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни хал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Модуллари ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкларига ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

«Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги» малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни

I. Умумий тайёргарлик модули

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари.

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндашувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришнинг муҳим шартини ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти эканлиги. Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидаги замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиши. Миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёнининг сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини баҳолаш мезонлари. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларининг рейтинги. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

Таълимдаги инновацион технологиялар. Олий таълим муассасасида ўқув-услубий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.

Инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш. Халқаро ҳамкорлик ва хориж тажрибаси. Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари, чет тиллар ва педагогик технологиялар бўйича саводхонлигининг ошириш масалалари.

Олий таълимнинг электрон ахборот-ресурслари ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш.

II. Умумқасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб масалалари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча. Ахборот – коммуникация технологияларининг воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий коммуникация технологиялари. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш. Ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари. Электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби. Таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилари, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информатсион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Қасбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараёни технологиялар лойиҳалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг учта асосий даражаси. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вақтларда бўладиган суҳбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни раво ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

2.5. Тестология асослари.

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмуни ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гуруҳий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

2.6. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Фаолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон шароитида техноген вазиятлар ва фавқулодда ҳолатларда таълим муассасаларида ходимлар, ўқувчи-талабалар ҳаракатини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Экологик маърифат ҳақида тушунча. Экологик таълим-тарбия мазмуни, методикаси. Экологик маданият ва уни барқарор тараққиётни таъминлашда тутган ўрни.

2.7. Ахборот хавфсизлиги.

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари. Ахборот хавфсизлиги турлари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Логин ва пароль тушунчаси. Идентификация ва аутентификация. Конфиденциал ахборот. Ахборот хавфсизлигининг концептуал модели. Ахборотларни ҳимоялашнинг криптографик усуллари. Электрон рақамли имзо ва ундан фойдаланиш. Интернет тизимидан олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, ўқув жараёнида Интернет манбаларидан фойдаланиш ва уларнинг ўқув мақсадларига мослиги.

III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули

3.1. Кинотелеоператорликда замонавий услубиёт.

Замонавий кино ва телевидения операторлик услуб ва услубиётлари. Бадиий тасвирнинг техника ёрдамида узатилишидаги янгиликлар. Уч ўлчамли кино ва телекамералар, уларнинг имкониятлари. Операторлик маҳоратида драматургик тасвирий ечим ва планларнинг модернизацияси, бу борадаги тажрибалар натижалари. Аудио ва визуал қаторнинг уйғунлиги ва замонавий таъсирчан воситалар. Тасвир воситалари ва уларнинг амалиётда қўлланилиши. Кинотелеоператорлик фанининг замонавий услубиёти.

3.2. Овоз режиссёрлиги фанидаги инновациялар.

Овоз режиссёрлиги фани ривожланиш босқилари ва бугунги кундаги инновациялар. Таълим жараёнидаги инновациялардан кенг фойдаланиш ва унинг ижобий натижалари. Овоз ёзиш ва узатиш мосламаларининг замонавийлашуви. Овоз ва шовқин билан ишлашнинг замонавий технологиялари. Аудиотека ва уни шакллантириш услубиёти. Мусикий фонограмма ва таъсирчан воситаларнинг уйғунлиги. Фонограмма таҳлили ва партитура ўқишдаги янги ютуқлар.

3.3. Монтаж услубиётини модернизациялаш.

Анъанавий монтаж ва замонавий монтажнинг тафовут ва ўхшашликлари. Замонавий монтаж услубиёти. Монтаж ускуналари ва уларнинг модернизациялашуви. Монтаж услубиёти фанини ўқитишда кўрғазмали куроллар яратиш технологияси. Замонавий монтаж услубиётида олиб борилаётган синов ва тажрибалар натижаларининг маҳаллий шароитларга мослашиш жараёни.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули

4.1. Жаҳон кинотелеоператорлик мактаби фанини ўқитишда инновациялар.

Республика жаҳон кинотелеоператорлик мактабида рўй бераётган инновациялар. Замонавий техник таъминот. Таълим жараёнига киритилган машқларда янгиликлар ва уларнинг композицияси. Замонавий операторлик маҳорати ижодий мактаблари. Мутахассислик фанларидаги ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижалари.

4.2. Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати фанларини ўқитишда илғор тажрибалардан фойдаланиш.

Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлик фанларини ўқитишда замонавий ускуналар ривожини билан чамбарчас боғлиқлиги. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ва уларнинг ишлатилиши. Кўргазма куролларининг яратилиш меъзонлари ва улардан фойдаланиш услублари. “Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги” да содир бўлаётган техник ютуқлар, янги педагогик технологиялар, янги услубларнинг кашф этилиши.

V. Танлов фанлари модули

Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги йўналиши тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, марказ танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги фанлари ва уларни ўқитишнинг долзарб масалалари ҳамда монтаж санъати ва техникаси илғор йўналишлари, овоз режиссёрлиги педагогикасини модернизациялаш, замонавий ускуна ва мосламалардан амалиётда фойдаланиш, мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси инновациялари, уларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, инновацияларнинг амалиётга тадбиқ қилинишида миллий хусусиятларнинг эътиборга олиниши, машқ ва тренингларда ҳар тарафлама қамраб олиш ва индивидуаллик меъзонлари, илғор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиториялар ва маҳсус таъминланган ижодий устахона ва овоз ёзиш студиялари, кино павильонларда, ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

Мустақил соатларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил соатларни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Малакавий иш.
- Такдимот (танланган мавзу асосида такдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Малакавий иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб, уни бажаришда қуйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни мутоала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарсликларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва мутоала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Малакавий иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган малакани ҳимоя қилиш иши мавзулари:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий модели.
2. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.
3. Ахборот – коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари ва келажаги.
4. Таълим жараёни ягона педагогик тизим сифатида. Таълим тамойиллари.

5. Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги фанини ўқитишда монтаж санъати инновацияларидан фойдаланиш.

6. Операторлик маҳорати фанига монтаж санъати фанининг интеграцияси долзарб муаммолари ва камчиликлари.

7. Фанлар интеграциясидаги долзарб муаммоларнинг ечимлари.

8. Кинотелеоператорлик маҳорати фанини ўқитишда монтаж санъати инновацияларидан фойдаланишнинг афзаллик тарафлари.

9. Кинотелеоператорлик маҳорати фанини ўқитишда бадиий монтаж технологияларидан фойдаланиш услугиёти қандай.

10. Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги фанини ўқитишда хорижий мамлакатлар тажрибалари.

11. Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги фанини ўқитишда замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитишни лойиҳалаш.

12. Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги фанларини қитишда Компьютер технологияларининг аҳамияти.

13. Тингловчларда кинотелеооператорлик маҳорати йўналиши бўйича илмий изланишлар олиб бориш кўникмаларини яратиш методикаси.

14. Тингловчларда овоз режиссёрлиги йўналиши бўйича илмий изланишлар олиб бориш кўникмаларини яратиш методикаси.

15. Овоз режиссёрлиги фанида ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари.

16. Якка тартибда ёндашув – мутахассислик таълимини ташкил этиш шакли сифатида.

17. Замонавий овоз ёзиш ва узатиш мосламалари.

18. Ижтимоий ва сиёсий янгиликларнинг етказилишида кинотеооператорлик ва овоз режиссёрлигининг вазифалари.

19. Кинотелеоператорлик маҳорати фанини ўқитишда ўзбек мутахассисларининг услублари.

20. Ижодий изланиш жараёнлари ҳақида.

21. Педагогик технологиялардан кинотелеооператорлик фанларини ўқитишда фойдаланиш услублари.

22. Кинотелеооператорлик бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари.

23. Замонавий педагогик технологиялар орқали Кинотелеооператорлик ҳаракати фанларини ўқитишни лойиҳалаш.

24. Кинотелеооператорлик соҳаси бўйича илмий изланишлар олиб бориш кўникмаларини яратиш методикаси.

25. Кинотелеооператорлик фанларида миллий ва хорижий тажрибалар қиёси.

26. Кинотелеооператорлик фанлариининг ривожланиш тарихи.

27. Кинотелеооператорлик ва овоз режиссёрлигида ўзбек мутахассисларининг ўрни.

28. Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлигининг ижодий изланиш жараёнлари ҳақида.

29. Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлигида иш юритиш ҳамда кинотелеоператор ва овоз режиссёрининг ўз устида ишлаши.

30. Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлигида жамоавий ижодни ташкил этиш ва бошқариш усуллари.

31. Ёшларни Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлигига жалб қилиш.

32. Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги фанларини ўқитишда ўқитувчи педагогик маҳоратининг ўрни.

33. Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги бўйича Ўзбекистонлик машҳур арбоблар

34. Кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрлиги бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибалари

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Модуллارни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- модуллارнинг барча маърузалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш;

- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;

- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.:Ўзбекистон, 1996.

4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.:Ўзбекистон, 1996.

5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.

7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.:Ўзбекистон, 1998.

8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажаги йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». – Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: «Ўзбекистон». –Т.: 2011.-440 б.
17. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
22. И.А.Каримов. “Миллий театримиз – ифтихоримиз”. Тошкент шаҳрида Академик Драма Театри янги биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. 2001 йил 30 август.
23. Исмаилов А.И.«Кинотелеоператорское мастерство» Ташкент 2004 г.
24. Эфрусси М. Микрофоны и их применение. –М.:Искусство, 1998.
25. Козюренко Ю. Основы звукорежиссуры в театре. –М.:Искусство, 1987.
26. Кандрашин П. Типичные ошибки звукорежиссеров при записи и сведении фонограмм. –М.:Искусство, 1999.
27. Стародубровская Г. Уроки звукорежиссуры. –М.:Искусство, 1980.
28. Элкин Т. Звук и изображение. –М.:Искусство, 1982.
29. Қорабоев У. Ҳ. Маданият соҳасини бошқариш ўқув дастури. – Т.: Академия, 2005 йил
30. А. Убайдуллаев “Ойнаижаҳон истиқболлари” - Т. «Фан» 1993 йил
31. Б.Аҳмедов “Подзнаком кино” –Т., 2005 г.
32. Б.Аҳмедов “Режиссура телевизионного фильма” 2005 йил Тошкент
33. М. Мухамедов“Устозлар изидан” –Т., 2006 йил

34. Ш.Хамидова “Телережиссёрлик касбий таълимида актёрлик маҳорати” “Муסיқа” Тошкент 2006 йил
35. Р. Борецкий “Телевизонная программа” –М., 1968 г.
36. “Контурсы” (наблюдения о природе телеискусства) 1967 йил тошкент “Фан” В.Вильчек
37. “Человек крупным планом” (заметки теледокументалиста) 1981 йил Москва М.Голдовская
38. “Искусство голубого экрана” 1968 йил Москва (сборник статей)
39. Е. Николаев “Искусство видеть мир” –М., 1971 г.
40. “В доме весь мир” 1975 йил Москва А.М.Куржиямская
41. “Музы XX века” 1978 йил Москва
42. В. Саппак “Телевидение и мы” –М., 1978 г.
43. Э. Г. Багиров. “Очерки теории телевидения.”-М.,1978 г.
44. В.Карелина “На экране и за экраном” 1982 йил Москва
45. В.Турбин “Режиссёр радио и телетеатра” -М.,1983 г.
46. “Основы телевизионной журналистики” 1987 йил Москва университети
47. Г.Вачнадзе “Всемирное телевидение” во Ганатлеба, 1989г.
48. “Версии” (телевизионные сценарии) 1989 йил Москва
49. Б.Сайфуллаев, Ж.Маматқосимов. Актёрлик маҳорати. Т.:Фан ва технология, 2012.
50. К.С.Станиславский. “Актёрнинг ўз устида ишлаши”. Т.Хўжаев таржимаси С.Мухамедов муҳаррирлигида. Т. Янги аср авлоди. 2010
51. Маҳмудов Ж. Актёрлик маҳорати. Тошкент, 2005 й.
52. КристиГ. Воспитание актёра школы Станиславского. Москва, «Искусство», 1968 г.
53. Немирович-Данченко В.И. Рождение театра. М., 1989 г.
54. Ризаев Ш.Саҳна маънавияти. Тошкент, 2000 й.
55. М.Умаров. Эстрада ва оммавий байрамлар тарихи.-Т.: “Янги аср авлоди”. 2009.
56. Ж.Маматқосимов. “Оммавий байрамлар режиссурасида саҳна маданияти”. Т.: “Фан ва технология”. 2009.
57. Ф.Аҳмедов. “Оммавий байрамлар режиссураси асослари”. Т.: “Алоқачи”. 2008.
58. Х.Мирпўлатов. “Оммавий байрамлар режиссураси”.-Т.: “Чўлпон”. 2008.
59. С.Турсунбоев. “Жаҳон театри тарихи”. Т.: “Фан ва технология”. 2008.
60. Ж.Маҳмудов, Х.Маҳмудова. “Актёрлик маҳорати асослари”. Т.: ЎзДСИ босмаҳонаси. 2008.
61. М. Мухамедов. “Актёрлик маҳорати асослари”.-Т.:ЎзДСИ босмаҳонаси. - 2008.
62. М.Исмоилов. “Актёрлик маҳорати ва актёрлик маҳорати бўйича ўтказиладиган амалий машқлар” Т.: Ўз РФААК босмаҳонаси, 2007.
63. У.Зуфаров. Саҳна талқини ва таҳлили. – Т.: Муסיқа. 2007.

64. М.Исмоилов. “Оммавий байрамларда бадиий безак”.- Т.: Ўз РФААК босмаҳонаси, 2007.
65. У.Қорабоев. “Ўзбек халқи байрамлари”. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциадорлик компанияси бош таҳририяти, 2002.
66. Ж.Душамов. “Оммавий тадбирлар Актёрлик маҳоратиси”. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002.
67. Р.Усмонов. Актёрлик маҳорати . – Т.: Фан, 1997
68. Ж.Маҳмудов. “Саҳна композицияси алифбоси”.-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2006.
69. М.Раҳмонов., М.Тўлаҳўжаева., И.Мухторов. “Ўзбек миллий академик драма театри тарихи”. Т.: 2003.
70. М.Қодиров. “Ўзбек театри тарихи”. – Т.: “Ижод дунёси”. 2003.
71. Ҳ.Абдусаматов. “Драма назарияси”. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000.
72. Ш. Ризаев. “Жадид драмаси”. – Т.:“Шарқ” нашриёти-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997.
73. Шарафиддин Али Яздий. “Зафарнома”. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциадорлик компанияси бош таҳририяти. 1997.
74. М.Қодиров. “Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар”. – Т.: “Фан” 1993.
75. Ҳ.Абдусаматов. “Саҳна сардори”. –Т.:“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2003.
76. М.Қодиров. “Навоий ва саҳна санъати”. –Т.: “Ўзбекистон миллий анциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2000.
77. “Театр” адабий-бадиий, ахборот-реклама журнали.

Интернет маълумотларн:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://www.bank.uz/uz/publislVdoc/>
7. <http://www.uforum.uz/>
8. Axborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
9. <http://www.xabar.uz>
10. www.ziyonet.uz
11. www.edu.uz
12. www.nuu.uz

ИШЛАБ ЧИКИЛГАН:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази

Директор

У.Ш.Бегимкулов

2013 й.

М.Ў.

Узбекистон давлат санъат ва маданият институтининг хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармок маркази

Директор

А.А.Хасанов

2013 й.

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
Таълим муассасаси, фан ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси

Бошқарма бошлиғи

А.И.Илмуллоев

2013 й.

М.Ў.

